таксимланиши уларнинг мусобақадаги натижаларининг ўсишига асос бўлади.

Хулоса қилиб шуни такидлаш керакки, кураш билан шуғулланувчи спортчиларнинг масъулиятли мусобақаларда юқори натижаларга эришишлари учун машғулотлар жараёнларида оптималлашган машғулот юкламаларидан фойдаланиш мусобақа фаолияти самарадорлигини оширади. Шу билан бирга, мусобақа фаолиятлари даврида юқори натижаларга эришишга имкон яратади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М., Буюк келажагимиз мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й. 58-69 бетлар.
2. Мирзиёев Ш.М., Қонун устуворлиги ва инсон манфатларини тиклаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси қабул қилинганлиги 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маъруза. 2016 йил 7 декабр. –Т. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й.
3. Абдуллаев Ш.А. Ёш курашчиларни тайёрлашнинг илмий-услубий асослари. Т,2012,Б. 48-56.
4. Абдиев Н.А. Борьба (оранизация восстановительного тренировочного процесса в предсоревновательном этапе). Монография. Т., 1997 ,С.23-25.
5. Алиев И.Б. Курашда кўп йиллик тайёргарлик босқичларининг илмий педагогик асослари Монография. Т., 2021, 75-96 б.
6. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва услубияти. Т., 2005 Б. 32-48.
7.0 Пулатов Ф.М., Рузиев М.М., Шарипов А. Оперативное и текущее нормирование нагрузок по величине в борьбе самбо //Педагогик таълм. Т, 2003 ,С.39-41.
8. Таймуратов Ш.А. Курашчиларни тайёрлаш технологиялари. Т., Илм-зиё, 2010 Б. 46-52.



Катта ўқитувчи
Б.Қ. БОБОМУРАДОВ[1]
[1]Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчиқ шаҳри, Ўзбекистон

ДАСТЛАБКИ ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИ ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ ТЕХНИК-ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРГА ЎРГАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

В статье рассматриваются научные исследования, проводимые по совершенствованию технико-тактических действий и подготовки юных футболистов. Представлен анализ технико-тактических действий, выполняемых игроками начального подготовительного этапа на соревнованиях. Были статистически проанализированы результаты педагогического наблюдения, проведенного в коллективе, где проводился педагогический эксперимент, и определены показатели эффективности. На основании полученных результатов сделаны выводы.

Ключевые слова: *этап начальной подготовки, педагогическое наблюдение, педагогический анализ, показатели эффективности, технико-тактические действия, пасы, удары по воротам, математико-статистический анализ.*

Annotation

Мақолада ёш футболчиларнинг техник-тактик ҳаракатлари ва тайёргарлигини ошириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар ўрганилган. Дастлабки тайёргарлик босқичи футболчиларини мусобақаларда бажарган техник-тактик ҳаракатлари ўйинларининг таҳлили келтирилган. Педагогик тажриба олиб борилган жамоада ўтказилган педагогик кузатув натижалари статистик таҳлил қилиниб, самарадорлик кўрсаткичлари аниқланган. Олинган натижаларга асосланиб хулосалар берилган.

Калит сўзлар: *дастлабки тайёрлов босқичи, педагогик кузатув, педагогик таҳлил, самарадорлик кўрсаткичлари, техник-тактик ҳаракатлар, тўп узатишлар, дарвозага зарбалар, математик-статистик таҳлил.*

The article examines the scientific research conducted on the improvement of technical and tactical actions and training of young football players. An analysis of the technical and tactical actions performed by the players of the initial preparatory stage in the competitions is presented. The results of the pedagogical observation conducted in the team where the pedagogical experiment was carried out were statistically analyzed and the efficiency indicators were determined. Conclusions are given based on the obtained results.

Key words: *initial preparation stage, pedagogical observation, pedagogical analysis, efficiency indicators, technical and tactical actions, passes, shots on goal, mathematical-statistical analysis.*

Долзарблиги. Республикамизда жисмоний тарбия ва спортни, олимпия спорт турларини ривожлантириш ҳамда оммавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда футбол устувор спорт турларидан бўлиб, ўтказилаётган сўнгги нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари эришаётган натижалар футболимизнинг қай даражада ривожланаётганини кўрсатиб бермоқда. Президентимиз томонидан 2023-йилнинг 7-апрелида қабул қилинган “Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, шу йилнинг 3 ноябрда қабул қилинган “Футбол-таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда халқаро стандартларга мос келадиган футбол инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари соҳада амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалаларни белгилаб берди. Мамлакатимизда футбол спорт тури бўйича ўрганилиши зарур бўлган масалалар – Ўзбекистон терма жамоаларига ёш иқтидорли, қобилиятли

спортчиларни етказиб бериш каби кўплаб ўз ечимини кутаётган муаммоларни илмий тадқиқ қилиш ҳамда ёш футболчиларнинг техник тайёргарлигини такомиллаштириш, ҳаракат фаолиятларини назорат қилиш ҳам долзарб ҳисобланмоқда. Футбол спорт турида муваффақиятга эришиш мусобақа жараёнида техник ҳаракатларни самарали бажариш ҳамда уларнинг тўпни бошқариш маҳоратларига боғлиқ. Нафақат маълум бир ўйиннинг натижаси, балки бутун жамоанинг расмий мусобақалар ва турнирлардаги натижалари ҳам техниканинг юқори даражадаги бажарилишига боғлиқ. Тадқиқотда айнан ёш футболчиларни ўйин техникасига ўргатиш ва шуғуллантиришни илмий асосда ташкил этилишнинг устувор масаласига эътибор қаратилган. Дастлабки тайёрлов босқичидаги футболчиларни мусобақаларда кутилган натижаларни қўлга киритиш имкониятларининг қийинлашиб бориши ва ўқув-машғулот жараёнидаги тайёргарликларида мавжуд муаммолар тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди [1].

Тадқиқотнинг мақсади дастлабки тайёрлов босқичидаги футболчиларнинг техник-тактик ҳаракатларини педагогик таҳлил қилиш орқали улар техник-тактик ҳаракатларга ўргатиш самарадорлиги ошириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Дастлабки тайёрлов босқичидаги футболчиларни техник тайёргарликларини ошириш масалалари бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар ва адабиётларни таҳлил қилиш.

Дастлабки тайёрлов босқичи футболчиларини техник-тактик ҳаракатларини педагогик таҳлил қилиш.

Тадқиқот давомида олинган натижаларини статистик таҳлил таҳлил қилиш ва самарадорлигини асослаш.

Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси. Ҳар қандай спорт ўйинларида мумкин бўлган энг юқори спорт натижаларига эришиш спортчиларнинг техник, жисмоний ва тактик тайёргарлик даражасига боғлиқ. Бизнинг давримизда келиб спорт турларидан кенг фойдаланиш ёш спортчиларнинг ҳам жисмоний, ҳам техник ва тактик тайёргарлиги усуллари мазмуни тўғрисида кўплаб саволларни туғдиради. Болаларда ҳаракатланиш сифатларининг шаклланишига жисмоний ривожланиш суръатлари катта таъсир кўрсатади, бу суръатлар тананинг узунлиги ва массасининг динамикасида ва бошқа антропометрик кўрсаткичларнинг ортишида ўз аксини топади. 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврда болаларнинг ҳаракат кўникмаларни умумий ҳажмининг тахминан 90 % ни эгаллайди, шунинг учун бу ёш фунционал асимметрияни ҳисобга олган ҳолда баскетбол ўйнаш техникасини ўрганишда энг яхши вақти ҳисобланади. Ўрганилган адабиётлардан маълум бўлдики, 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган ўғил болаларда ҳаракатлар динамикаси ошади, аммо 13 ёшга келиб у барқарорлашади, унинг якуний шаклланиши содир бўлади. Болалар ва ўсмирлар спортида амалий маъноси бўйича олиб борилган тадқиқот ишларида йигитларда ҳаракат тизимининг ривожланиши 12-14 ёшга келиб катталар даражасига етишини ва бу ёшда техник-тактик ҳаракатларни қўллаш самарадорлигини юқори бўлиб боришини таъкидлашади [2,6,7,9,10].

Жаҳоннинг футболи ривожланган мамлакатларида ёш футболчиларни техник-тактик тайёргарлиги жараёнини индивидуаллаштириш ва самарали ташкил қилиш, инновацион технологияларни қўллаш орқали уларнинг техник-тактик ҳаракатларини ҳар томонлама ошириш масалаларига тааллуқли кўп сонли тадқиқотлар ўтказилган. Спорт мактаблари ва футбол академияларида футбол техникасига ўқитишни иккига ажратиш мумкин. Кичик синфларда ўқувчилар кўплаб оддий техник усулларни ўрганишлари ва ҳаракат кўникмаларининг кенг арсеналини ўзлаштиришлари учун ўқитиш махсус машқлар ёрдамида бўлиши лозим. Машқлар оддий ва осон бажарилувчи бўлиши, уларни жойида туриб ёки кичик тезлик билан, қўзғалмас ёки думалаётган тўп билан, қаршиликсиз бажариш лозим бўлади. Конкрет ўйин вазияти ва умуман ўйинда техник воситаларни танлаш тактикани изоляцияланган ҳолда эмас, балки техник ўқитилганлик билан боғланишда кўриб чиқишни талаб қилади, ўйинда ўйинчилар берилган вазиятга энг кўп тўғри келадиган техник усулларни тезда ва ижодий тарзда ўргана оладилар [3,4,5,8,].

Футболчиларнинг мусобақа давомидаги ўйин ҳаракатлари видеоёзув ёрдамида батафсил таҳлил қилинди. Шу мақсадида юқори тезликдаги “SONY” видеокамерасидан фойдаланилган. Педагогик таҳлил давомида шаҳар чемпионатининг 20 та ўйини ўрганилди, шундан 10 та ўйин тажрибадан олдин ва 10 ўйин тажрибадан кейин таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

Дўстлик-2016 жамоасининг тадқиқотдан олдинги ТТҲ таҳлили (n 10) (%)

"Дўстлик" Болалар лигаси **(2016)**	**1** тур	**2** тур	**3** тур	**4** тур	**5** тур	**6** тур	**7** тур	**8** тур	**9** тур	**10** тур	Ўртача
Аниқ ТТҲ	278	281	259	270	292	285	234	277	280	294	275
Ноаниқ ТТҲ	174	153	168	158	145	167	183	174	168	165	166
Барча ТТҲ	452	434	427	428	437	452	417	451	448	459	441
Самарадорлик коэффиценти	61,5%	64,7%	60,7%	63,1%	66,8%	63,1%	56,1%	61,4%	62,5%	64,1%	62%

Тажрибадан олдинги педагогик таҳлил шуни кўрсатдики 10 ўйинда Дўстлик-2016 жамоаси ўртача аниқ техник-тактик ҳаракатлар сони 275 та, ноаниқ техник-тактик ҳаракатлар сони 166 та, барча техник-тактик ҳаракатлар сони 441 тани ташкил қилди. Дўстлик-2016 йил жамоасининг 10 ўйиндаги ўртача самарадорлик коэффиценти 62 % ни ташкил қилди.

Тажрибадан кейинги педагогик таҳлил шуни кўрсатадики 10 ўйинда Дўстлик-2016 жамоаси ўртача аниқ техник-тактик ҳаракатлар сони 518 та, ноаниқ техник-тактик ҳаракатлар сони 96 та, барча техник-тактик ҳаракатлар сони 614 тани ташкил қилди. Дўстлик-2016 жамоасининг 10 ўйиндаги ўртача самарадорлик коэффиценти 84 % ни ташкил қилди. Тажрибадан кейинги таҳлил бизга шуни кўрсатдики жамоанинг машғулотида қўлланилган методика ўз самарасини берди ва аниқ техник-тактик ҳаракатлар сони 243 тага, ноаниқ техник-тактик ҳаракатлар сони 70 тага камайгани, барча техник-тактик ҳаракатлар сони 173 тага ошгани, 10 ўйиндаги ўртача самарадорлик коэффиценти 22% га ошганини кўрсатди (2-жадвал).

2-жадвал

Дўстлик-2016 йил жамоасининг тадқиқотдан кейинги ТТҲ таҳлили (n 10) (%)

"Дўстлик" Болалар лигаси **(2016)**	**11** тур	**12** тур	**13** тур	**14** тур	**15** тур	**16** тур	**17** тур	**18** тур	**19** тур	**20** тур	Ўртача
Аниқ ТТҲ	479	492	554	562	516	551	525	494	518	488	518
Ноаниқ ТТҲ	114	88	99	98	94	98	93	97	90	85	96
Барча ТТҲ	593	580	653	660	610	649	618	591	608	573	614
Самарадорлик коэффиценти,%	80,8%	84,8%	84,8%	85,2%	84,6%	84,9%	85,0%	83,6%	85,2%	85,2%	84%

Олинган маълумотлар ва ўтказилган таҳлиллардан шу маълум бўлдики, дастлабки тайёрлов босқичидаги футболчиларни техник-тактик ҳаракатларга ўргатишда уларнинг мусобақа фаолиятини назорат қилиш ва бажарадиган ҳаракатларини таҳлил қилиш орқали уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш мумкин экан. Бунда уларни ҳар бир фаолиятини ўрганиш ва кўрсаткичлар самарадорлигини таҳлил қилиш зарур.

Хулоса. Ёш футболчиларни техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш, техник маҳоратини шакллантириш бўйича олиб борилган ишларда маълум бўлишича техник-тактик ҳаракатларга ўргатишда жисмоний ривожланганлик ва жисмоний тайёргарликни аҳамияти юқори экан. Педагогик таҳлил натижалари шуни кўрсатдики Дўстлик-2016 жамоасида тажрибада қўлланилган методика ўз самарасини берди. Жамоа техник-тактик ҳаракатларини ҳар бир жабҳасида кўрсаткичлар ўсганини кўрсатди. Айниқса тўп узатишлардаги аниқлик (яқин, ўрта ва узоқ) масофаларга, яккакурашларда ютишлар, дарвозага аниқ зарбалар каби техник ҳаракатларни самарадорлик коэффиценти сезиларли ўсганини гувоҳи бўлдик.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 3-июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3031-сонли Қарори.

2. Абидов Ш.У. Ёш футболчиларнинг ўқув машғулот жараёнини ташкил қилиш ва режалаштириш. Услубий тавсиянома. Т., ЎзДЖТИ. 2011. - 38 б.

3. Антипов, А.В. Анализ параметров двигательных действий юных футболистов с учетом их возраста / А.В. Антипов, И.В. Кулишенко // Теория и практика физической культуры. – 2016. – № 6. – С. 51.

4. Артиков А.А., Алимжанов С.И., Шукурова Ш.Т. Футболчиларнинг машғулот жараёнида педагогик назорат. Услубий қўлланма. Тошкент. 2014. – 62 б.

5. В.Губа., А.Антипов.,Н.Шагин.. Подготовка футболистов в ведущих клубах мира - "Спорт" , "Человек" Москва 2021 год. - С. 259-263.

А.В. Антипов., В.П. Губа.. Многолетняя подготовка футболистов в спортивной академии - "Спорт" Москва 2023 год. - С. 45-54.

А.Кузнецов Футбол настольная книга детского тренера – "Профиздат" Москва 2011 год.-С. 13-15.

Iseyev Sh.T. Futbolchilarni yillik siklda tayyorlashni rejalashtirish. – Toshkent, 2018. - 460 b.

Nurimov R.I. Futbol nazariyasi va uslubiyati. Darslik. R.I. Nurimovning umumiy tahriri ostida T.: "Ilmiy texnika axboroti – press nashriyoti"". 2015. - 364 b.

Д.М. Пешехонов Подвижные игры для футбольных тренировок.: "Спорт" Москва 2023 год.-С. 35-37.